

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzARB
muammolari**

3-son (4-jild)

2024

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 3 (4) - 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2024

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматовиҷ – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўқтамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Сайдалохонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Кулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Файбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Сайдова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, "Tashkent International University of Education" халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тибиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехruz Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдулаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши хузуридаги Судъялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Ҳавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна - педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Қаюмова Насиба Ашурновна - педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохида Зайневна - педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Мұхәйё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна - педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Хайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна - психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Карамаддиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;
Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;
Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” маъсулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

Hamroyev Asliddin Umed o'g'li

“GULSHANUL MULUK” (“SHOHLAR GULSHANI”) ASARI – MANG’ITLAR HUKMRONLIGI DAVRI MUARRIXLIGI NAMUNASI 13-18

Bazarbayeva Shohsanam Muratovna

SIRDARYO VILOYATIDA VETERINARIYA SOHASIGA OID ISLOHOTLAR (XIX ASR OXIRI – XX ASR BOSHLARI) 19-23

Asadova Dilnoza Innatovna

O’ZBEKISTONDA RAQS SAN’ATI SOHASIDA KADLAR TAYYORLASH MASALASI TARIXI VA BUGUNI 24-28

Ҳайитов Умед Яҳёевич

ЎЗБЕКИСТОН ССР МУВАҚҚАТ ИНҚИЛОБИЙ ҚҮМИТАСИ (МАРКАЗИЙ РЕВКОМ)НИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА ФАОЛИЯТИ 29-34

Омонова Сарвиноз Ориф қизи

ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ДАВРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ ҲОЛАТИ ... 35-42

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Алимханова Нигора Алимхановна

ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ 43-52

Mahmudova Dilafruz Hasanovna

KORPORATIV BOSHQARUVNING AYRIM NAZARIY JIHATLARI 53-60

Toxirov Akbarxon Toirxon o'g'li

SANOAT KORXONALARIDA IQTISODIY XAVFSIZLIKNING EKONOMETRIK

MODELLASHTIRISH 61-69

Мехмоналиев Улугбек Эркинжон угули

СУЩНОСТЬ ОРГАНИЗАЦИИ СЛУЖБЫ ВНУТРЕННЕГО АУДИТА НА ПРЕДПРИЯТИЯХ .70-75

Паязов Мурод Максудович

“ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АЖДА ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕТОДИКАСИ 76-86

Шадибекова Дилдор Абдурахмановна

ЛОГИСТИЧЕСКИЙ РЫНОК УЗБЕКИСТАНА И ПРОБЛЕМЫ ЕГО РАЗВИТИЯ 87-92

Malikova Dilrabo, Khudoiberdieva Maftunabonu

INNOVATIVE HR MANAGEMENT: NECESSITY AND METHODS OF APPLICATION 93-99

Мамажонова Одинахон Алишер қизи

КОРХОНАЛАР БОШҚАРУВИДА ИННОВАЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

ЖАРАЁНЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ 100-106

Nozimov Eldor Anvarovich

ELEKTRON TIJORATNI RIVOJLANISHDA O’ZBEKİSTON VA XORİJIY DAVLATLARNING

O’RNI 107-115

Буранова Жазира Эргаш қизи

ВЛИЯНИЕ ЦИФРОВИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ НА ИНКЛЮЗИВНЫЙ РОСТ

ГОСУДАРСТВА 116-120

<i>Худойназаров Фахритдин Хайтевич</i>	
КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛарНИНГ ИҚТисодИЙ АҲАМИЯТИ	121-127
<i>Бахтиёров Бобур Баходир ўғли</i>	
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА БАНК ЛИКВИДЛИЛИГИНИ БОШҚАРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ	128-136
<i>Isomtdinova Gulbaxor Kurbonaliyevna</i>	
О'ЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА INVESTITSIYA RISKLARINI BOSHQARISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH	137-145
<i>Yuldashev Shadiyor Shuxrat o'g'li</i>	
OLIY TA'LIM O'QUV JARAYONLARIDA ZAMONAVIY VEB TEХNOLOGIYALARI INTEGRATSIYASI	146-150
<i>Baxtiyorov Asrorbek Azizjon o'g'li</i>	
TIJORAT BANKINING KREDIT SIYOSATI ASOSLARI, UNING IQTISODIY MOHIYATI	151-159
<i>Saidov Shohruh Mirzo</i>	
SOCIO-ECONOMIC ANALYSIS OF CONDITIONS OF DEVELOPMENT OF HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS	160-169
<i>Kunduzova Kumrixon Ibragimovna</i>	
IQTISODIY RIVOJLANISHNING HOZIRGI BOSQICHIDA XO'JALIK YURITUVCHI SUBYEKTLAR FAOLIYATIDAGI JORIY AKTIVLAR TUSHUNCHASI VA UNING O'RNI	170-177
<i>Inomjon Matkarimov</i>	
AGROKIMYO BIOCIMYO XIZMATLARI IJTIMOIY IQTISODIY SAMARADORLIGINI TA'MINLASHNING SWOT TAHLILI	178-183
09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ	
<i>G'aybullayev Otabek Muxammadiyevich</i>	
JAMIyatda ESTETIK MADANIYAT RIVOJLANISHINING FALSAFIY ASOSLARI	184-189
<i>Masharipova Gularam Kamilovna</i>	
МАHMUD IBN MUHAMMAD IBN UMAR AL-CHAG'MINIYNING «AL-MULAXXAS FI-L-HAY'A» RISOLASINING NUSXALARI VA QOZIZODA RUMIYNING SHARHI	190-198
<i>Абдуллаханова Гулбахор Саттаровна</i>	
ФИЛОСОФСКИЕ ВЗГЛЯДЫ ИБН СИНО И ИХ РОЛЬ В УКРЕПЛЕНИИ ДУХОВНО- ЦЕННОСТНЫХ ОСНОВ СОВРЕМЕННОГО РАЗВИТИЯ ЦИВИЛИЗАЦИИ	199-206
<i>Urinov Xushnudjon Abdulomitovich</i>	
TA'LIM VA KASB-HUNAR ISLOHOTLARI GENEZISI: KASBIY FAOLIYAT VA MEHNATGA MUNOSABATNING TARIXIY SHAKLLANISHI	207-220
<i>Азизқулов Ақрам Абдурахмонович</i>	
ШАРҚШУНОС УИЛЬЯМ ЭРСКИН ТАДҚИҚОТЛАРИДА БОБУРИЙЛАР СУЛОЛАСИ ТАРИХИННИГ ЁРИТИЛИШИ	221-227
<i>Kenjayev Ulug'bek Muratovich</i>	
BEFARQLIK HAqidagi FALSAFIY FIKRLAR RIVOJI	228-232
<i>G'aybullayeva Laylo Safarboyevna</i>	
MAHALLADA YOSHLAR SIYOSIY FAOLLIGINI OSHIRISHDA IJTIMOIY-FALSAFIY RIVOJLANISH MASALALARI	233-238

<i>Xo'janova Tamara Jo'raevna</i>	
YOSHLAR MA'NAVIYATIGA TAHDID VA ULARDAN O'ZINI ONGLI HIMOYA QILISH KO'NIKMALARI	239-245
<i>Jabborova Saodat Sattorovna</i>	
MA'NAVIY SALOHIYATNING IJTIMOIY TARAQQIYOT MANBAI SIFATIDA XUSUSIYATLARI	246-252
<i>Xusanov G'olib Elmurodovich</i>	
O'ZBEK OILALARINING RIVOJLANISHIDA AXLOQIY TAFAKKUR MASALALARI	253-257
<i>Аззамходжаева Шахноза Сайдматмабовна</i>	
МУСУЛЬМАНСКОЕ БОГОСЛОВИЕ, СВЯЩЕННЫЙ КОРАН И ТВОРЧЕСТВО НАВОИ В КОНТЕКСТЕ ФИЛОСОФСКОЙ КОМПАРАТИВИСТИКИ	258-265
<i>O'rakov Bobir Baxtiyorovich</i>	
IJTIMOIY DAVLATNING NAZARIY VA METODOLOGIK ASOSLARI: VUJUDGA KELISH SHARTLARI, BELGILARI VA FUNKSIYALARI	266-270
<i>Qunishev Ulug'bek Ulashevich</i>	
NEMIS KLASSIK FALSAFASIDA JAMIYAT RIVOJLANISHIGA TA'SIR ETUVCHI AXLOQIY VA ESTETIK OMILLAR	271-275
<i>Турдибоев Бозор Худойбердиевич</i>	
ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР ТАРИХИЙ ЯХЛИТЛИК НАМОЁН БЎЛИШ ШАКЛЛАРИ СИФАТИДА	276-282
<i>Kenjayeva Dilrabo Rominovna</i>	
MARKAZIY OSIYO MUTAFAKKIRLARI TA'LIMOTIDA O'ZLIKNI ANGLASH TUSHUNCHASI VA UNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	283-287
<i>Azamatova Gulrukhan Islom qizi</i>	
SOCIOCULTURAL ASPECTS IN KARL POPPER'S PHILOSOPHY IN THE CONTEXT OF MODERN EDUCATION	288-293
<i>Toшпулатова Ширин Мухиддиновна</i>	
ЭТИЧЕСКИЕ ОРИЕНТИРЫ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ГРАЖДАНСКОЙ СЛУЖБЫ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН	294-302
<i>Yuldasheva Dilorom Yuldashevna</i>	
SCIENTIFIC ATTITUDE TO CONSCIOUSNESS AND ITS INFLUENCE ON THE FIELD OF EDUCATION	303-307
<i>Bekchanov Xudoybergan O'rinvich, Yusupova Firuza Hajiboy qizi, Yulliyeva Sohiba Shuhrat qizi</i>	
MAKTABGACHA YOSHDAGI KATTA GURUH TARBIYALANUVCHILARDA IJTIMOIY VA КОММУНИКАТИВ QOBILYATNING RIVOJLANISHI	308-314
10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
<i>Ткебучава Ирина Георгиевна</i>	
ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ ФОРМИРОВАНИЯ КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ СТУДЕНТОВ ПРИ ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ	315-320
<i>Ikromxonova Firuza Ikromovna, Jazira Nusrultanqizi</i>	
TIPOLOGIK TAHLIL - KOMPOZITSIYA VA JANR (TARIXIY ASARLAR MISOLIDA)	321-327

<i>Ashurova Maftuna Asqar qizi</i>	
LINGUACULTURAL PECULIARITIES OF THE CONCEPT “HAPPINESS” IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES	328-334
<i>Mustafayeva Saodat Burxanovna</i>	
SALIM ASHUR SHE’RLARIDA LINGVOMADANIY BIRLIKLER VOSITASIDA VOQELIKNI BADIY TALQIN ETISH	335-340
<i>Abdulxayeva Nodirabegim Ixtiyorjon qizi</i>	
DRAMATIK ASARLARNI TARJIMA QILISHDA LEKSIK-SEMANTIK, LINGVOKULTUROLOGIK MASALALAR	341-346
<i>Xajiyeva Dilfuza Adambayevna</i>	
FOLKLOR VOSITALARINING ZAMONAVIY ADABIYOTDAGI O’RNI VA O’RGANILISHI	347-351
<i>Jumanova Sevara Xolmurod qizi</i>	
KIYIM KECHAK NOMLARI TILNING BOYISH MANBAI SIFATIDA	352-356
<i>Hojaliyev Ismail Tadjibayevich, Ismailova Sayyora Tolkinovna</i>	
MATN NAZARIYASINING SHAKLLANISHI	357-366
<i>Abdullaev Ulmasbek Khairullayevich</i>	
LITERARY WORKS AS THE MOST IMPORTANT AND WELL-ACCLAIMED COMPONENTS OF THE CULTURAL HERITAGE OF THE NATION	367-370
<i>Maxmudova Fotima Maqsud qizi</i>	
TYPES OF MEDIA TEXT LANGUAGE	371-375
<i>Maxmudova Zuhra Maqsud qizi</i>	
BADIY TARJIMANING TILSHUNOSLIK DAGI AHAMIYATI	376-380
<i>Davronova Zulfiya Boboyevna</i>	
UZBEK- FRENCH RELATIONS AS A BINDING PART OF INTERNATIONAL CULTURAL AND HISTORICAL EXPERIENCE	381-386
<i>Hakimova Dilrabo Yo’ldoshovna</i>	
TERMINOLOGIYA SOHASINING TARIXI VA DOLZARB MUAMMOLARI XUSUSIDA	387-392
<i>Мадрахимов Тулибай Абдукаrimovich</i>	
СЎЗЛАШУВ НУТҚИННИНГ ТИЛ ФУНКЦИОНАЛ ВАРИАНТЛАРИ ОРАСИДА ТУТГАН ЎРНИ	393-395
12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР	
<i>Ergashev Ikrom Abdurasulovich</i>	
SOLIQ INTIZOMINI BUZISH BILAN BOG’LIQ HUQUQBUZARLIKLER UCHUN JAVOBGARLIKNING AYRIM JIHATLARINING ILMIY-NAZARIY TAHLILI	396-402
<i>Куатбек Гулнар Куатбековна</i>	
ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ ТРАНСПАРЕНТНОСТИ ПРЕДСТАВИТЕЛЬНЫХ ОРГАНОВ МЕСТНОЙ ВЛАСТИ	403-409
<i>Jurayev Dilmurot Mukhtarovich</i>	
ANALYSIS OF THE LEGISLATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN ON ALTERNATIVE RESOLUTION OF DISPUTES ARISING FROM ADMINISTRATIVE AND PUBLIC LEGAL RELATIONS	410-415

Mirakhmedova Fazilat Khokim kizi

CRIMES OF MANUFACTURING AND SELLING PHARMACEUTICALS IN A WAY TO DANGER THE LIVES AND HEALTH OF INDIVIDUALS (Evaluation of Türkiye and Uzbekistan legal system) 416-428

Касимов Нодиржон Содикжонович

ҚАСДДАН ОДАМ ЎЛДИРИШ ЖИНОЯТЛАРИНИГ УМУМИЙ ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ 429-438

Кутыбаева Елизавета Дуйсенбаевна, Есенбаев Джанибек Таирович

ЭКОЛОГИК ТУСДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ 439-445

Джалилов Сардор Шавкатович

ҲУҚУҚ МАНБАЛАРИ ВА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ КОДИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИ 446-453

13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

Mirzayev Qodir Toirovich

ZAMONAVIY XOR SAN'ATI TA'LIMINI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI 454-458

Васильченко Ольга Анатольевна

ИСТОРИЯ И МЕТОДОЛОГИЯ РАЗВИТИЯ ВОКАЛЬНО-ХОРОВОГО ИСКУССТВА В УЗБЕКИСТАНЕ 459-463

Эрназаров Алишер Эргашевич, Бекмурадов Зариф Хуррамович

ҮҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИГ МОДУЛЛИ ВА ЛОЙИҲАЛАШТИРИЛГАН ТУРЛАРИ ҲАМДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ 464-470

Mattiyeva Feruza Begmatdulobovna

TARJIMONLIK MALAKASINI SHAKLLANTIRISHNING PSIXOLINGVISTIK VA DIDAKTIK XUSUSIYATLARI 471-477

Jurayev Bobomurod Tojiyevich

ABU ALI IBN SINO QARASHALARIDA TA'LIM-TARBIYA MASALALARI 478-482

Umurova Ma'rifat Yoshiyevna

XALQ QO'SHIQLARI VATANPARVARLIK TUYG'USINI RIVOJLANTIRISH VOSITASI SIFATIDA 483-486

Raxmanova Dildora Abdulkamid qizi

INGLIZ TILIDA AKADEMİK YOZUV TUSHUNCHASI VA UNING TALABALAR ILMIY FAOILIYATIDAGI AHAMIYATI 487-492

Rajabiy Aziz Xasanovich

VOKAL ARTISTI FAOLIYATIDA SAHNA MAHORATINING O'RNI 493-497

Omanov Rashid Sherqobilovich

O'QUVCHILARDA EKOLOGIK TAFAKKURNI SHAKLLANTIRISH JARAYONLARINI TO'G'RI TASHKIL ETISH 498-501

Салимов Акром Хайитович

БЎЛАЖАК ҮҚИТУВЧИЛАРДА ОИЛА, МАҲАЛЛА ВА МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ 502-507

Mamatmurodov Sharofjon Khudoyarovich

TA'LIM SIFATINI OSHIRISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNING O'RNI 508-514

<i>Ли Екатерина Владимировна</i>	
СИНЭРГЕТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ИННОВАЦИЙ И ИННОВАЦИОННОЙ	
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ	515-523
<i>Ахмедова Нафиса Исаходжаева, Азаматов Абдулло Исахўжаса ўғли, Лутфуллина Румия</i>	
<i>Анваровна</i>	
ЁШ ТЕННИСЧИЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА	
ХАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ	524-533
<i>Очилова Мехрибон Суратовна, Хамроева Феруза Асроровна</i>	
АНАЛИЗ СОВРЕМЕННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ПЛАТФОРМ И ИХ	
КЛАССИФИКАЦИЯ	534-541
<i>Amonov Mirjon Namozovich</i>	
IJTIMOIY PEDAGOGIK FAOLIYAT VA UNING ASOSIY FUNKSIYALARI	542-547
<i>Sharipov Habibullo Abduqahhorovich</i>	
TALABALARNING IJODKORLIGINI RIVOJLANTIRISHDA MUSTAQIL TA'LIMNING O'RNI VA	
AHAMİYATI	548-552
<i>Yaxiyaxonova Muxiba Maxmudjonovna</i>	
RAQAMLI TA'LIM MUHITIDA BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARINING IT SAVODXONLIGINI	
OSHIRISH METODIKASINI TAKOMILLASHTIRISH	553-560
<i>Xakimova Gulshan Abdusalilovna</i>	
JISMONIY TARBIYA VOSITALARI ORQALI YOSH BOLALARNI SIFATLARINI	
TARBIYALASH	561-565
<i>Nazarov Rustam Irkinovich</i>	
TECHNOLOGY FOR DEVELOPING COMMUNICATIVE COMPETENCE OF STUDENTS IN HIGHER	
TECHNICAL EDUCATION FIELDS (IN THE EXAMPLE OF ENGLISH LANGUAGE)	566-570
<i>Muqimova Fotima Abduqaxor qizi, Muqimova Zuxra Abduqahor qizi</i>	
CHIZMACHILIK DARSLARIDA O'QUVCHILARNING GRAFIK SAVODXONLIGINI	
RIVOJLANTIRISHDA O'YINLI TEXNOLOGIYALADAN FOYDALANISHNING	
AFZALLIKLARI	571-576
<i>Sulaymanova Dildora Nazarovna, Giyasova Shaxnoza Abdurafikovna</i>	
BO'LAJAK O'QITUVCHILARNING KREATIV TAFAKKURINI LOYIHAGA ASOSLANGAN O'QITISH	
VOSITASIDA RIVOJLANTIRISH MODELI	577-585
<i>Usmonova Matluba Nosirovna</i>	
O'QUVCHILARDA MILLIY VA UMUMINSONIY QADRIYATLARNI TARBIYALASH	
METODIKASINING KREATIV PEDAGOGIK YONDASHUVI	586-590
<i>Ustaev Abdurazzoq Qurbanovich</i>	
MILLIY KURASH SPORT TURINING FUNKSIYALARI VA MAQSADGA ERISHISHDAGI	
VOSITALARI	591-596
<i>Shoimqulova Nigina Xolmurodovna, Yadigarova Sitora Bahromovna</i>	
ADDRESSING CHALLENGES IN TEACHING ENGLISH IN CENTRAL ASIAN COUNTRIES: A	
SCHOLARLY EXAMINATION	597-603
<i>Yeshanov Marat Urazaliyevich</i>	
INGLIZ TILINI O'QITISHDA BO'LAJAK CHET TILI O'QITUVCHILARINING KOMMUNIKATIV	
KOMPETENSIYASINI TAKOMILLASHTIRISHDA PRAGMATIKANING AHAMIYATI	
LANGUAGE)	604-616

<i>Tursunova Shahnoza Bekchanovna</i>	
JAMOATCHILIK FIKRINI SHAKLLANTIRISHDA JAMOATCHILIK BILAN ALOQALARNING O'R NATISH	617-622
<i>Atoyeva Gulshoda Rabimovna</i>	
OILADAGI ZO' RAVONLIKNING O'SMIR XULQIGA PSIXOLOGIK TA'SIRI	623-628
<i>Musinova Ruxshona Yunusovna, Qurbanova Aziza Davlat qizi</i>	
JABRLANUVCHI SINDROMI, UNING ASOSIY SABABLARI VA BELGILARI	629-635
<i>Jamolova Mokhigul Bakhtiyorovna</i>	
METHODS OF DEVELOPING THE CRITICAL THINKING ABILITY OF PRIMARY CLASS STUDENTS THROUGH FAIRY TALES	636-641

**Омонова Сарвиноз Ориф қизи
Қарши давлат университети доценти**

ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ДАВРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ ҲОЛАТИ

Аннотация. Дунёда спорт давлатларнинг ривожланиши ва миллий нуфузини танитиш учун зарурый омилларидан бири ҳисобланади. Жисмоний маданият жамиятда ижтимоий тажрибани таъминлаш, ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигини ошишига хизмат қиласди. Жаҳонда юз берган маданий ўзгаришлар, саноатлашиш ва урбанизация жараёнлари спортнинг ўсишини таъминловчн факторлардан биридир. Ушбу мақолада совет даврида жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат сиёсати, унинг ҳолат, мазкур йўналишда олиб борилган тадбирлар тарихий ҳужжатлар ва адабиётлар асосида ёритиб берилган.

Калит сўзлар. Совет давлати, Ўзбекистон, жисмоний тарбия, спорт, спорт гурухлари, жисмоний маданият, Жисмоний тарбия ва спорт комитети, коммунистик партия, спорт клублари, спорт ўйинлари, хотин-қизлар спорти, спорт соҳаси кадрларини тайёрлаш жараёни, спартакиада, спортчи, педагогика институтлари, "Ўзбекистон физкультурачиси", ўқувчи ёшлар, Самарқанд жисмоний тарбия педагогика билим юрти, "Ўзбекитонда хизмат кўрсатган тренер".

Omonova Sarvinoz Arif kizi

Associate Professor of Karshi State University

SITUATION OF PHYSICAL EDUCATION AND SPORTS IN UZBEKISTAN DURING THE SOVIET PERIOD

Abstract. In the world, sport is one of the necessary factors for the development of countries and promotion of national prestige. Physical culture serves to provide social experience in society, increase production and labor productivity. Cultural changes, industrialization and urbanization processes in the world are one of the factors that ensure the growth of sports. In this article, the state policy in the field of physical education and sports in the Soviet era, its status, the activities carried out in this direction are highlighted on the basis of historical documents and literature.

Keywords. The Soviet state, Uzbekistan, physical education, sports, sports groups, physical culture, Physical education and sports committee, communist party, sports clubs, sports games, women's sports, the process of training personnel in the field of sports, spartakiada, sportsmen, pedagogical institutes, " Physicist of Uzbekistan", student youth, Samarkand Pedagogical Institute of Physical Education, "Honored trainer in Uzbekistan".

Омонова Сарвиноза Ариф кизи.

Доцент Каршинского государственного университета

ПОЛОЖЕНИЕ ФИЗИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ И СПОРТА В УЗБЕКИСТАНЕ В СОВЕТСКИЙ ПЕРИОД

Аннотация. В мире спорт является одним из необходимых факторов развития стран и повышения национального престижа. Физическая культура служит обеспечению социального опыта в обществе, увеличению производства и производительности труда. Культурные изменения, процессы индустриализации и урбанизации в мире являются одним из факторов, обеспечивающих рост спорта. В

данной статье на основе исторических документов и литературы освещена государственная политика в области физического воспитания и спорта в советское время, ее состояние, деятельность, проводимая в этом направлении.

Ключевые слова. Советское государство, Узбекистан, физическое воспитание, спорт, спортивные секции, физическая культура, Комитет по физической культуре и спорту, Коммунистическая партия, спортивные клубы, спортивные игры, женский спорт, процесс подготовки кадров в области спорта, спартакиада, спортсмены, педагогические институты, «Физик Узбекистана», студенческая молодежь, Самаркандский пединститут физической культуры, «Заслуженный тренер Узбекистана».

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4SI1Y2024N05>

Кириш. Замонавий дунёда спорт давлатларнинг ривожланиши ва миллий нуфузини танитиш учун зарурий омилларидан бири ҳисобланади. Жисмоний маданият жамиятда ижтимоий тажрибани таъминлаш, ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигини ошишига хизмат қиласди. Жаҳонда юз берган маданий ўзгаришлар, саноатлашиш ва урбанизация жараёнлари спортнинг ўсишини таъминловчи факторлардан биридир. XIX асрда Россия империясида спорт ўйинлари юқори ва ўрта табақа вакиллари орасида оммалашиб, хусусий спорт бирлашмалари ва клублари очилишига олиб келган. 1912 йилда Россия империясида ҳарбий жисмоний тайёргарлик қўмитаси ташкил этилди. 1917 йил октябрида большевиклар ҳукумати томонидан спорт гурӯҳлари ва бирлашмалари марказлаштириб, сиёсий мақсадларда ундан фойдаланилди [1].

Жисмоний тарбия совет маданиятининг шундай лойиҳаси бўлганки, у спорт ва давлат аҳамиятига молик тадбирларни ташкиллаштирувчи ва ташвиқотчиси эди. Спортнинг асосий вазифаси соғлом ва сиёсий фаол фуқароларни Иттифоқ иқтисодиёти ва армияси учун тарбиялаш эди. Совет Иттифоқида спорт универсал жисмоний маданият ва алоҳида тузилма сифатида 1920 йилларнинг охирида шаклланди [2]. Дастребаки даврда спорт ғарб услуги бўйича ёшларни бирлаштириш ва қизиқтириш асносида советлаштириш кўринишида олиб борилиши белгиланган.

Коммунистик партияниң VI съезди қарорларига асосан 1918 йил 22 апрелда Бутунроссия Ижроия Комитети Кенгashi умумий ҳарбий таълим раҳбарлиги ташкилоти тузиш ҳақида декрет чиқарди. Кейинроқ эса М.В.Фрунзенинг (1920 йил май ойида) ташаббуси билан Туркестон фронти бошқармаси қошида умумий ҳарбий таълими — всеобуч бўлими ташкил этилди [3].

Муҳокама. 1930 – 1940 йилларда совет фуқаролари учун совет жисмоний маданиятини яратиш йиллари бўлди. Бу жараёнга Совет Иттифоқида 1930 йилда ташкил этилган Жисмоний тарбия ва спорт комитети масъул эди. 1951 йилда СССР Халқаро Олимпия қўмитаси аъзолигига қабул қилинди ҳамда мамлакатда Олимпия қўмитаси ташкил этилди. Шу иили Совет Иттифоқи Ғарбий бошқарув халқаро спорт федерациясига, Халқаро ҳаваскорлик атлетика федерациясига, 1953 йилда эса 22 та халқаро спорт федерациясига аъзо бўлди [4].

Совет Иттифоқи коммунистик партияси замонавий спорт маданиятини тарғиб қилиш орқали янги советлашган кўринишдаги спортни татбиқ эта олди ва жамиятни трансформациялашувига ҳамда одамларнинг онгига таъсир қилди. Совет жисмоний маданияти ҳудудий, республика ва миллий даражада режалаштирилган, маблағлаштирилган ва ташкиллаштирилган эди. Жисмоний маданиятнинг замонавий ва анъанавий формаси интеграция жараёнларига жалб қилиниб, давлат миллий идентикилигини мустаҳкамлашга хизмат қилиши керак эди [5].

Иттифоқ жисмоний маданиятини республикада маҳаллий бошқаруви касаба уюшмалари ва спорт ташкилотлари намойиш қиласади. 1924 йилда Совет Туркистон Олимпия ўйинлари, 1927 йилда эса биринчи Ўзбекистон спартакиадаси ўтказилди. 1925 йилда Ўзбекистонда 296 та спорт ташкилотлари фаолият кўрсатиб, 1926 йилда тахминан 26000 нафар Ўзбекистон фуқаролари спорт клубларига аъзо бўлганлар [6].

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда халқ хўжалигини тиклаш жараёнида спорт соҳасида кўпгина ижобий ўзгаришлар юз берди. Жумладан, спортнинг жаҳон аренасига юз тутиши учун жамоат ва спорт ишларига раҳбарлик қилишни тубдан яхшилаш муаммоларига қаратилган қатор қарорлар қабул қилинди. Масалан, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий комитетининг XIX съезди йифилишида “Инсонни ҳар томонлама мукаммал қилиб ривож топтириш ишида жисмоний тарбия катта аҳамиятга эга. Партия, совет, касаба уюшмаси ва комсомол ташкилотлари, жисмоний тарбия ва спорт қўмиталари, меҳнаткашлар жамоалари, ўкув юртларида ва меҳнаткашларнинг истиқомат жойларида жисмоний тарбия ишларини яхшилаш чораларини кўришлари, спортнинг ҳамма турларини ҳар томонлама ривожлантиришлари лозим. Жисмоний тарбия ва спорт одамларнинг кундалик турмушига мустаҳкам сингиб кетиши учун ҳамма чораларни кўриш керак”лиги қайд этилди [7].

1948 йилда Ўзбекистон ССР Министрлар совети “Ўзбекистон ССР да жисмоний тарбия ва спорт ишларини яхшилаш тўғрисида” маҳсус қарор қабул қилди. Мазкур қарор жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатининг ривожланишига, халқаро спорт алоқаларининг қайтадан қарор топиши ва ўсишига сабаб бўлди.

XX асрнинг 50 йилларида Ўзбекистонда ғарб услубида спорт ўйинлари ташкил этилиб, Ўрта Осиё спортчилари халқаро миқёсдаги олимпиадада иштироқ этишиб, 1952 йилда Ўзбекистон олимпия олтин медалини кўлга киритди [8].

Натижалар. 1946-1960 йиллар республика баскетбол ўйининг ривожланишида муҳим босқич бўлди. Ўзбекистон Компартиясининг 1949 йил марта бўлиб ўтган Х съезд қарорида бундай эди: “Ёшларни жисмоний тарбиялаш ишини янада ривожлантиришга катта эътибор берилиши керак. Партия, совет касаба уюшмаси ва комсомол ташкилотлари уларни физкультура ташкилотларининг ишини яхшилашлари уларни моддий- техника базасини мустаҳкамлашлари, кенг халқ оммасига физкультура ҳаракатига жалб қилишлари лозим”-деб ёзилган.

Ўзбекистон IX спартакиадаси 5412 физкультура колективлари иштироқида 188 шаҳар ва районда ҳамда 10 областда спартакиада мусобақалари бўлиб ўтди. Бу мусобақаларда 500 минг йигит ва қизлар қатнашди. Ўзбекистон IX спартакиадасига тайёргарлик даврида янгидан 100 физкультура колективлари ташкил этилди. Спортчиларнинг сони эса 40 минг кишига кўпайди. Ўзбекистон спортчиларидан 11 спортчи спорт мастери нормасини бажарди, 105 киши биринчи, 780 киши 3839 киши учинчи разрядли бўлдилар. Ўзбекистон IX спартакиадаси финалида 9 областдан, Қорақалпоғистон АССРдан шаҳридан 1700 спортчи ва 360 судья қатнашади.

1954 йилда бўлган Ўзбекистон VIII спартакиадасига 1515 спортчи қатнашган эди. Ўшанда биринчи ўринни Тошкент шаҳри, иккинчи ўринни Фарғона области, учинчи ўринни Самарқанд области олган эди.

Республикада битта хизмат кўрсатган спорт мастери, 54 спорт мастери, Бутуниттифоқ категориясидаги 15 судья бор. Шу йил Москвада бўладиган

ССР халқлари спартакиадасига Ўзбекистон спортчилари колективидан биринчи разрядли ва Спорт мастерларидан 400 киши қатнашади.

250 мингга яқин педагог, тренер, инструктор ва методистлар турли ёшдаги кишиларни жисмоний тарбия билан шуғулланишга жалб этишда яқиндан ёрдам беряптилар. 23 га жисмоний тарбия олий ўқув юрти, педагогика институтларидағи 76 та жисмоний тарбия факультети, ўттизга яқин жисмоний тарбия техникумлари, йигирмага яқин тренерлар мактаблари мутахассис тайёрлаяпти. Бу рақамлар ҳар йили ўзгаряпти, чунки жисмоний тарбия ходимларига бўлган талаб кундан-кунга ошиб бормоқда. Зеро, Коммунистик партия физкультура ҳаракатига ҳақиқий умумхалқ характеристи бахш этиш вазифасини қўйди ва бу вазифа муваффақиятли амалга ошиди.

1955-1956 йилларда ССР халқлари биринчи спартакиадасига тайёргарлик муносабати билан жисмоний маданият спорт тараққиётига айниқса, эътибор берилди. Ўзбекистон КМП ва Министрлар Советининг қарори билан республика спартакиадасини ўтказиш ва ССР халқлар биринчи спартакиадасига тайёргарлик кўриш юзасидан ташкилий комитет тасдиқланди, физкультура оммавийлигини ривожлантириш ва Ўзбекистон спортчиларининг маҳоратини ошириш тадбирлари белгилаб берилди. Ўзбекистон Компартияси XIII съезди ҳам (1956 йил январь) яна шу вазифага эътибор берди. “Мехнаткашларнинг жисмоний тарбиялаш анча яхшилансин, 1956 йилги ССР халқлари спартакиадасига республика спортчиларининг юксак даражада тайёргарлик кўриши таъминлансан”, деб кўрсатилган эди съезд қарорида. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети биргина 1953 йилнинг ўзида икки марта (30 марта ва 31 августда) физкультура ва спорт ишларини яхшилашга қаратилган қарор қабул қилди. Бу қарорларда кадрларни қайта тайёрлаш, спорт асбоб-анжомларини ишлаб чиқариш, спорт иншоотлари қуриш ва уларни жиҳозлаш каби қатор масалалар аниқлаштириб берилган эди. “Ўзбекистон физкультурачиси” ва “Физкультурник Ўзбекистон” газеталари узоқ танаффусдан кейин 1953 йилдан бошлаб яна чиқа бошлади. 1954 йилда мамлакатда энг йирик “Пахтакор” стадионини қуришга киришилди ва 1956 йили ССР халқлари биринчи спартакиадаси очилиши арафасида фойдаланишга топширилди. 1945 йилда республика спартакиадларини ўтказиш анъанаси яна тикланди, 1948 йилдан бошлаб бу спартакиадалар мунтазам ўтказиладиган бўлиб қолди.

Жисмоний тарбия ҳаракатини юксалтириш манфаатлари ёш авлодни жисмоний тарбиялашни илмий ва методик жиҳатдан тўғри ташкил қилиш зарурияти. Ўзбекистон спортчиларининг маҳоратини ўстиришни таъминлаш юқори малакали кадрлар тайёрлаш масаласини кун тартибига кўндаланг қўйди. Бу вазифани битта Жисмоний тарбия техникуми имконияти билан ҳал қилиб бўлмас эди. 1951 йилда Самарқанд жисмоний тарбия педагогика билим юрти очилди. У ҳозир ҳам самарали ишлаб турибди. Айни пайтда айниқса олий маълумотли кадрларга бўлган талаб ёки эҳтиёжни қониқарсиз аҳволда эди. 1949 йилда республикада олий физкультура маълумотига эга бўлган 96 мутахассис бор эди, холос. Республика хукуматининг маҳсус қарори билан 1949 йилда Тошкент давлат педагогика институтида жисмоний тарбия бўлими очилди. У 1952 йилда мустақил факультетга айлантирилди. шунингдек, 1954 йилда Фарғона педагогика институтида, 1956 йилда Нукус педагогика институтда ҳам худди шундай

факультетлар очилди. Ҳозирги кунда Нукус давлат университети. Ўлкамизда кадрлар тайёрлашда уни хизмати ҳам каттадир. Айниқса 1955 йилда Республикада Ўзбекистон жисмоний тарбия давлат институтининг очилиши мухим воқеа бўлди. Бу олий юрти жисмоний тарбия ва спорт турлари бўйича юқори малакали ўқитувчилар ва тренерлар тайёрлашнинг" макони бўлиб қолди.

Бу даврда болалар ва ўсмиirlарни жисмоний жиҳатдан тарбиялашга, болалар оммавий спортини ривожлантиришга кўп эътибор берилди. Ўқувчиларнинг туман, шаҳар ва вилоят спартакиадаларини, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ўқувчиларининг республика ва зона спартакиадаларини ўтказиш анъанага айланди. 1961 йил ёзида ўтказилган ўқувчиларнинг республика XIV спартакиадаси натижалари ўқувчи-ёшларни спорт тадбирларига кўплаб жалб этилганлигидан, спорт кўрсаткичларининг илгариги йиллардагига нисбатан бирмунча яхшиланганидан далолат беради. Мазкур спартакиаданинг мактаб ва мактаблараро, туман, шаҳар ва вилоятларда ўтказилган худудий босқичларида 310 мингга яқин ўқувчилар қатнашган. Спартакиаданинг финал босқичида эса 1324 нафар ўқувчи-ёшлар майдонга чиқди. Мусобақалар якунида 239 та шаҳар ва туман рекордлари, 18 та вилоят ва 2 та республика рекорди аниқланган [9].

Шунингдек, 4172 та мактаб қошида жисмоний тарбия жамоалари тузилиб, уларга қарийб 496 минг бола ва ўсмиirlар жалб қилинганлиги ҳам спорт тадбирларининг оммавийлашиб бораётганлигидан далолат беради. Фақат 1961 йилнинг ўзида мактабларнинг жисмоний тарбия жамоаларида қарийб 73 минг нафар БГТО (Буд готов к труду и обороне) нишондорлари, 44 минг нафардан кўпроқ ГТО (Готов к труду и обороне) нишондорлари, I разрядли 43 нафар спортчи, II разрядли 429 нафар спортчи, III разрядли 7129 нафар спортчи, ўсмиirlар ёшлик разрядида 15 мингдан ортиқ спортчи, 9908 нафар спорт инструкторлари ва судьялари тайёрланган эди [10].

Мактабларнинг спорт базалари йил сайин кўпайиб, мустаҳкамлана борди. Ўқувчилар ва жамоатчиликнинг кучи билан кўпдан-кўп спорт заллари ва ўйин майдончалари бунёд қилинди. 1962 йилда республикадаги мактабларда яхшилаб жиҳозланган 229 та спорт зали, 10 та сузиш ҳовузи, 13 та теннис корти, 3500 дан ортиқ волейбол ва қарийб 1200 та баскетбол майдончалари, 185 та комплекс спорт майдончалари мавжуд эди [11]. Мактабларни спорт инвентари ва спорт кийими билан таъминлаш юзасидан кўп ишлар қилинди.

Болаларнинг мактабдан ташқари муассасаларда ҳам спорт ишини йўлга қўйиш анча яхшиланди: 33 та болалар спорт мактабарида 12 мингдан кўпроқ ўқувчилар спорт маҳоратларини такомиллаштиридилар. Бундан ташқари, пионерлар уйларида, туристик лагерларида спорт секциялари ва тўгараклари тузилган эди. 1966 йил августда "Совет Иттифоқида жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш тўғрисида" қарор қабул қилинди [12]. Бунинг натижасида, 1972-1979 йилларда Республикада 7,3 минг ГТО [13] нишондорлари тайёрланди. ЎзССР ДОСААФ [14] тасарруфида 1979 йилда 10 мингтадан ортиқ спорт ташкилотлари фаолият юритди.

1978 йилда Республикада 299 та болалар-ёшлар спорт мактабида 101,8 минг нафар ёшлар спорт билан шуғулланди. Бундан ташқари 12 та олий спорт устаси мактабида 3,5 минг нафар оммавий жисмоний тарбия, спорт клублари ва мактабларида 3001,2 минг киши шуғулланган бўлиб, шундан 1034,6 минг нафарини аёллар ташкил

этди. 1979 йилда жисмоний тарбия ҳаракати билан республика бўйича 10,8 минг нафар олий маълумотли ва 4,2 минг нафар жисмоний тарбия маълумотига эга кишилар банд бўлди. Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси бўйича мутахассис кадрлар Ўзбекистон жисмоний тарбия институтида, 2 та жисмоний тарбия техникуми ва педагогика институтлари қошида 9 та жисмоний тарбия факультетларида тайёрланди. Ўзбекистонда ҳар йили 500 нафар олий маълумотли, 800 нафар жисмоний тарбия маълумотига эга мутахассисларни тайёрлаб берди [15].

Шу маънода, Ўзбекистонда жисмоний тарбия ҳаракатининг моддий-техник базасини ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилди. 1979 йилда Республикада 149 та стадион, 2920 та спорт заллари, 222 та сув ҳавзалари, 32 тадан кўпроқ спорт майдонлари, 4985 та футбол майдони, 1557 та тирлар мавжуд бўлиб, улар спортнинг ривожланишига асос бўлди [16].

Ўзбекистонда маҳаллий миллат вакилларидан Руфат Рисқиев, Абдулла Қодирохунов, Собир Рўзиев ва бошқа спорт усталари жаҳон спорт саҳнасига чиқишига муваффақ бўлдилар. Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларидағи турли спорт муассасаларига маҳаллий миллат вакилларининг сезиларли даражада жалб этилгани мавжуд даврдаги сиёсий хукмронликнинг бирмунча юмшагани, қолаверса, маҳаллий бошқарувнинг бирмунча фаоллашувидан далолат беради. Бунда Ўзбекистон коммунистик партияси марказий қўмитасининг биринчи котиби сифатида фаолият олиб борган Ш.Р.Рашидовнинг алоҳида хизматлари борлигини таъкидлаб ўтиш зарур [17]. У ўша даврнинг хукмрон мафкураси ва сиёсий тузум тазиийларига қарамай, "...жисмоний тарбия ва спорт жамиятнинг барча жабҳаларида ривожлантирилиши учун ҳамма чоратадбирларни қўллаш зарур" лиги таъкидланган [18], бу эса, ҳеч истисносиз, ўша давр учун бекиёс жасорат эди. Шунингдек, 1978 йилнинг август ойида Тошкент шаҳрида шашка бўйича жаҳон чемпионати ўтказилиб, мазкур тадбирда Осиё минтақасидан ўндан ортиқ мамлакат спортчилари қатнашган эди [19].

Маълумки, "қайта қуриш" давридаги халқаро спорт алоқалари (1980-1990) ўзининг ўта мураккаблиги билан ажралиб турди.

Биринчидан, 80-90 йилларда икки қарама-қарши тизим ўртасидаги ғоявий курашнинг кескинлашиб бориши натижасида халқларнинг ўзаро маданий алоқаларининг ривожланиш суръатининг пасайишига сабаб бўлди. Асосий эътибор социалистик тизимдаги давлатлар ўртасида ғоявий-сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилди.

Иккинчидан, "қайта қуриш" концепцияси СССР ташқи сиёсати бошқарувини демократлаштириш, давлат бошқарувини аксил марказлаштириш (миллий республикаларга бошқарувнинг айрим функцияларини узатиш), жамиятда сиёсий плюрализмни ривожи учун шароит яратилиши Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий муҳитда ҳам давлат сиёсати, коммунистик мафкура таъсирини нисбатан пасайтиришга сабаб бўлди.

Учинчидан, жамиятда носоғлом маънавий-сиёсий вазиятнинг вужудга келиши, кадрлар сиёсатидаги жиддий камчиликлар, ёшлар билан ишлаш учун янги ёндашувларнинг йўқлиги, кескинликнинг кучайиши, қайта қуриш ғоясининг мафкуравий фаолиятини бус-бутун ва мукаммал концепцияга эга эмаслиги, шунингдек,

керакли даражада тайёргарлик бўлган заминда демократик тамойилларни қўпол равиша кўпгина ҳолатларда бузилиши жамиятнинг маънавий ва ахлоқий соғломлигига салбий таъсир эта бошлади. Совет давлатининг ташқи сиёсати Ўзбекистон ССР нинг хорижий мамлакатлар билан спорт соҳасидаги алоқаларига таъсир этмасдан қолмади.

Тўртинчидан, сабиқ социалистик тузумнинг тугатилиши, ССР қўшинларининг 1989 йилда Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши, Иттифоқ таркибидағи миллий республикалар, жумладан Ўзбекистонда миллий ўзлигини англаш жараёнининг кучайиши каби ижтимоий-демократик ҳаракатлар тобора ўрганаётган муаммога концептуал ёндашувни тақозо эта бошлади [20].

Хуноса. Сўнгги сўз ўрнида қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш ўринли: биринчидан, спорт халқларнинг ўзаро маданий оммалашувида восита вазифасини бажарган; иккинчидан, совет жамиятида маданият, спорт шу жамиятдаги ҳукмон мафкура ва давлат манфаатига йўналтирилган. Акс ҳолда, давлат маданият ва спортни ривожлантиришга имкон бермаган. Бироқ, 1945-1991 йилларда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Чунки, ташқи сиёсатдан социалистик тузумни, коммунизм ғояларини, яъни совет давлатининг “келажаги порлоқ” эканлигини тарғиб қилишнинг воситаси сифатида фойдаланишдан манфаатдор эди.

Совет давлати сиёсатидаги ҳар қандай чеклашлар ва ҳукмон мафкуранинг тўсиқларига қарамасдан мавжуд вазиятдан оқилона фойдаланган ўзбекистонлик спортчилар, биринчи навбатда, устоз мураббийлар қўплаб мамлакат ва жаҳон чемпионларини тарбиялаб етиширишда ўзларининг меҳнатини аямадилар. Бу даврда, ўзбек миллий спортида советлаштириш ва ғарблаштириш жараёни юз бериб, бу жисмоний тарбия ва спорт соҳасида янги ўзгаришларни бошлаб берди.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Sevket Akyildiz. Soviet Physical Culture in Uzbekistan Implementation and Social Impact // Sports and Coaching: Pasta and Futures, Manchester, Manchester Metropolitan University. 2012, (Chapter6). – P.106-123.
2. Абдуллаева З.А. История формирования и развития физической культуры и спорта в Узбекистане (1991-2006 гг.): Дисс. канд.ист.наук... – Ташкент, 2009. – С.15 – 17.
3. Шоломицкий Ю.С. Физическая культура и спорт в Советской Средней Азии и сопредельных странах Востока. Автореф. дисс. докт. пед. наук. – Ташкент,1972. – С.21.
4. Barbara Keys. The Soviet Union. Cultural Exchange anti the 1956 Melbourne Olympic Games // Sport wischen Ost und West. Beitrage zur Sportgeschichte Osteuropas im 19 und20 Jahrhundet. Eds. Arie Nalz., Stefan Rohdewald and Stefan Wiederkehr. Printed in Germany 2007. – P.131 – 145.
5. Sevket Akyildiz. Soviet Physical Culture in Uzbekistan Implementation and Social Impact // Sports and Coaching: Pasta and Futures, Manchester, Manchester Metropolitan University. 2012, (Chapter6). – P.106 – 123.
6. Sevket Akyildiz. Soviet Physical Culture in Uzbekistan Implementation and Social Impact // Sports and Coaching: Pasta and Futures, Manchester, Manchester Metropolitan University. 2012, (Chapter6). – P.106 – 123.

7. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий комитетининг XIX съезди материаллари. – Тошкент, 1976. – Б.52.
8. Sevket Akyildiz. Soviet Physical Culture in Uzbekistan Implementation and Social Impact // Sports and Coaching: Pasta and Futures, Manchester, Manchester Metropolitan University. 2012, (Chapter6). – P.106-123.
9. Жисмоний тарбия бўйича республика конференцияси. Стенография ҳисоботи. Маориф министрининг доклади. 1962 й.
10. Жисмоний тарбия бўйича республика конференцияси. Стенография ҳисоботи. Маориф министрининг доклади. 1962 й.
11. Жисмоний тарбия бўйича республика конференцияси. Стенография ҳисоботи. Маориф министрининг доклади. 1962 й.
12. Ўзбекистон миллий архиви, Р-2310 фонд, 1-рўйхат, 3128-иш, 119-варак.
13. ГТО – Готов к труду и обороне. Мазкур термин жисмоний тарбия комплекслари учун умумий ишлителган.
14. ДОСААФ – Добровольной общества содействия армии, авиации и флоту.
15. Акромов А.К. Ўзбекистонда жисмоний маданият ва спорт тарихи. Ўқув қўлланма. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи. 1997. – Б.102 – 103.
16. Ўзбекистон миллий архиви, Р-2310 фонд, 1-рўйхат, 3128-иш, 76-варак.
17. Искандаров И. Шароф Рашидовнинг Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлинтиришга қўшган ҳиссаси. – Тошкент: Фан, 1992.; Газиев Р.Р. Деятели Узбекистана. Воспоминанию о Шарафе Рашидову. – Ташкент, 2012.; Эргашев Ш. Эрк истар кўнгил. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.; Алимардонов Т. Ўчмас Шараф. – Тошкент: Доно. 2017. – Б.276.
18. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий комитетининг XIX съезди материаллари. – Тошкент, 1976. – Б.51.
19. Ўзбекистон миллий архиви, Р-2310 фонд, 1-рўйхат, 3128-иш, 83-варак.
20. Маматхонов Н. СССР нинг хорижий мамлакатлар билан маданий алокасида Ўзбекистоннинг ҳиссаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1982. – Б.35 – 42.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 3 (4) – 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.**

**Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масьулияти чекланган жамияти**

Таҳририят манзили:
100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com
Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).